

# DOWORK ФОЙДАЛАНИШ КҮЛЛАНМАСИ 2020 й.

---

24 ДЕКАБРЯ

---

Буюртмачилар учун.

**DOWORK**



---

## **Мундарижа:**

Кириш.....	3
Рўйхатдан ўтиш.....	4
Профилни фаоллаштириш.....	4
Шахсий кабинетга кириш.....	4
Буюртма жойлаш.....	5
Хавфсиз битим.....	6
Фрилансернинг ҳамёнига тўғридан-тўғри тўлов килиш йўли билан буюртма бериш.....	6
PRO ва PROFI.....	6
Таклифларни кўриш.....	6
Таклифни қабул қилиш.....	7
Буюртма бюджетини киритиш.....	7
Бажарилган ишни қабул қилиб олиш.....	7
Арбитраж хизмати.....	8
Арбитражга мурожат қилиш.....	8
Ҳакамлик жараёни қандай олиб борилади?.....	8
Арбитражни қандай килиб бекор қилиш мумкин?.....	8
Тўловни ечиб олиш.....	9
Конкурс.....	9
Конкурслар ташкил этиш.....	9
Конкурсда ғолбни аниқлаш.....	9
Буюртма ва конкурсларни реклама қилиш.....	10
Реклама турлари.....	10
Сайтдаги балансни тўлдириш.....	11
Шахсий маълумотларни тўлдириш сахифаси.....	11
Контакт маълумотларингиз.....	11
Рейтинг.....	11
Умумий созламалар.....	12
Блог ёзиш.....	12
Фрилансерни севимлиларга қўшиб қўйиш.....	12
Фрилансер портфолиоси.....	13
Фрилансер хизматини буюртма қилиш.....	13
Якунловчи қисм.....	13

## **Кириш.**

DOWORK.UZ сайти хақида қисқача түшүнчә.

DOWORK.UZ сайти бу фрилансерлар ва буюртмачиларнинг ўзаро ишончли ва хавфсиз иш олиб боришини таминловчи веб платформасидир.

Фрилансерлик бу бүгүнги куннинг замонавий кўринишдаги фаолият турларидан биридир. Ушбу фаолият билан жуда хам кўп соҳа вакиллари шуғулланишлари мумкин. Унинг энг яхши тарафларидан бири, соҳа учун буткул боғланиш шарт эмаслиги, яъни вактингиз булганида ёки дам олиш кунларида хам фрилансерлик билан шуғулланишингиз мумкин. Бундан ташқари бу соҳа, иш вазифа бажариш эвасига момайгина қўшимча даромад топишнинг қулай усулихамдир. Хар бир инсон қайсиdir бир соҳада нимадир вазифа, иш бажара олади. Бунинг ортидан эса даромад топишлик мумкин албатта. Ҳамма хам вақти-вақти билан фреелансерлар хизматидан фойдаланади. Бу соҳа буюртмачилар учун хам, ишни тез ва сифатли бажарилишининг энг фойдали йўли хисобланади. DOWORK ни яратиш орқали биз фрилансерларнинг қулайлиги, иш бажариш тезлиги ва уларнинг ғояларини мукаммаллаштиришга интиламиз.

**Тизимнинг асосий вазифаси бу – буюртмачи ва фрилансерни вақтини тежаш, фрилансер томонидан муддатида бажарилмаган буюртмага киритилган тўловни буюртмачига қайтариш, шунингдек тўлов борасида хар иккала тарафни хавфсизлигини таминлашдир.**

**DOWORK буюртмачининг вазифаси ўз вақтида бажарилиши ва фрилансернинг иш хақлари вақтида қабул қилинишини 100% кафолатлайди.**

***DOWORK билан хеч ким алданиб қолмайди!***

---

## **Рўйхатдан ўтиш.**

Даставвал DOWORK.UZ сайтига кирганингизда рўйхатдан ўтиш учун қуйидагича амалларни бажаринг!

1. Компьютердан сайтга кирганда, ўнг тараф юқори кисмдаги Кириш / Рўйхатдан ўтиш ёзуви устига босасиз.

Мобил телефондан кирганда хам сайт юқори қисмида кириш белгиси бор. Ушбу кнопкага босасиз.

2. Пайдо бўлган ойна юқорисидаги дан Рўйхатдан ўтиш га босинг;

3. Мен буюртмачиман ни танланг;

4. Биринчи қаторга исмингиз, иккинчи қаторга электрон почта манзилингиз, учинчи қаторга эсингизда қоладиган пароль ёзинг. Киритилган маълумотларни ёдингизда тутинг. Улар сайтга кириш вақтида ишлатилади;

5. Пастдаги тўртбурчак катақча устига босинг;

6. Давом этиш га босинг;

## **Профилни фаоллаштириш.**

1. Электрон почта манзилингизга профилни фаоллаштириш хабари юборилади.

Хабар ичидаги активлаштириш ссылкасига босинг (этой ссылке ёзуви устига);

2. Табриклаймиз сиз профилингизни муваффақиятли фаоллаштирдингиз.

## **Шахсий кабинетга кириш.**

Сайтда шахсий кабинетга кириш учун қуйидагича амалларни бажаринг.

1. Компьютердан сайтга кирганда, ўнг тараф юқори кисмдаги Кириш / Рўйхатдан ўтиш ёзуви устига босасиз.

Мобил телефондан кирганда хам сайт юқори қисмида кириш белгиси бор, ушбу кнопкага босасиз.

2. Пайдо бўлган ойна юқорисидаги дан Кириш га босинг,

3. Бирини қаторга рўйхатдан ўтганингиздаги киритган электрон почтангизни киритинг.;

4. Иккинчи қаторга эса рўйхатдан ўтганингиздаги киритилган паролингизни киритинг;

5. Кириш тугмачасига босинг.

Табриклаймиз сиз сайтда шахсий кабинетингга муваффақиятли кирдингиз.

---

## **Буюртма жойлаш.**

1. Буюртма жойлашда, сайтга компьютер орқали кирилганда ўнг тараф юқори қисмда Буюртма қўшиш ёзуви устига босинг, мобиль телефондан эса ўнг тараф юқори қисмдаги тўртбурчак профил тугмасига босасиз;
2. Буюртмаларга босасиз;
3. Буюртма жойлаш тугмасига босасиз;
4. Пайдо бўлган ойнадан мутахасислик ёзуви олдидаги танлашни босиб ўз мутахасислигингиз турини танлайсиз;
5. Сарлавха қаторига буюртма сарлавхасини киритасиз, масалан: “Водпресда сайт очиш керак”;
6. Таъриф га буюртманинг шартларини киритасиз;
7. Файл бриктиришга босиб пастки қисмга босасиз, қурилмадан буюртмага оид керакли расм ёки файлни танлайсиз (буюртма файли бўлмаса жойламайсиз);
8. Шахар қаторига шахрингизни киритасиз;
9. Қўнималари қаторига, буюртмани бажарувчи фрилансернинг қўнимасини киритасиз, масалан: php, mysql, java, 1С ваxo казо (бир неча қўнималар вергул билан ёзилади);
10. Бюджет қаторига буюртмани бажаришга бериладиган суммани ёзасиз (агарда келишув асосида катақчини белгиласангиз, суммани фрилансер билан келишасиз);
11. Хавфсиз битим (бюджетни олдиндан захиралаш шарти билан) одатий холатда танланган бўлади. Бу орқали сиз фрилансерга буюртма пулинни хавсиз битим орқали ўтказишни белгилаган бўласиз;
12. Қўшимча шартлар қаторидаги Фақат қўйидаги профиллар учун PRO ва PROFI деб номланган хизматни ёксангиз, буюртмангизга PRO аккаунтдаги фрилансерларгина таклиф билдира олишади. Ушбу турдаги аккаунт фрилансерлари сайтда бошқалардан ажралиб туради;
13. Буюртмани жойлаштириш тугмасини босинг;
14. Табриклийиз буюртмангиз юборилди. Сизнинг буюртмангиз маъмурият текширувидан сўнг сайтга жойлаштирилади. Бу хақида сизнинг почтангизга хабар юборилади. Буюртмалар, сайтнинг бош сахифасида ва буюртмалар сахифасида кўрсатилади.

---

## **Хавфсиз битим.**

Хавфсиз битим хизмати буюртмачи учун фрилансер хизматига тўлов қилишдаги хавфсизликни, алданиб колмасликни кафолатловчи хизматдир. Буюртмачи буюртмани бажарувчи фрилансерни танлаганидан кейин, буюртма бюджетини хавфсиз битимга киритади, киритилган пул миқдори фрилансерга дархол берилмайди, иш бажариб топширилгунига қадар сайтда туради. Фрилансер ишни бажариб буюртмачига юборади. Буртма шартларга мувофиқ бажарилган бўлса, буюртмачи уни қабул қилиб, буюртмани якунлашни тасдиқлади. Кейин киритилган пул фрилансер хисобига ўтказиб берилади. Акс холда бюджет буюртмачи хисобига қайтарилади.

## **Фрилансернинг ҳамёнига тўғридан-тўғри тўлов килиш йўли билан буюртма бериш.**

Ушбу буюртма усули, фрилансер ишни бажаришга танланганидан сўнг, буюртма бажарилмасидан олдин, унинг хисобига тўловни ўтказиш орқали хамкорлик қилишдир. Буюртма бериш ва бажаришда ушбу услубдан фойдаланган иштирокчиларга, иш натижаси бўйича сайт маъмурияти хеч қандай жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

## **PRO ва PROFI.**

Бу фрилансернинг профессионал аккаунт хизматидир. Бу хизмат фрилансерларга пуллик тарзда тақдим этилади. Ушбу хизматни ёқиб олган фрилансер одатий фрилансерлардан фарқли равишда уларга қўшимча пуллик хизматлар тақдим этилади. Уларнинг рейтинги қолган фрилансерларга нисбатан баландроқ бўлади. Шунинг учун ушбу турдаги фрилансерлар соҳа устаси, масъулиятли ва ишончли бўлади. Улар PRO ва PROFI учун деб белгиланган конкурсларда иштирок эта оладилар. PRO ва PROFI учун деб белгиланган буюртмаларга таклиф билдира оладилар. Буюртмаларда уларнинг таклифлари бошқаларнидан юқорида туради. Очиқ алоқа контаклари бўлади. Бундан ташқари кўплаб имкониятлари мавжуддир.

## **Таклифларни кўриш.**

Буюртмаларингизга юборилган фрилансерларнинг таклифларини электрон постангизга юборилган хабар орқали билишингиз мумкин. Шунингдек, сайтда хабар тариқасида қўриниб хам келади. Ундан ташқари, сиз таклифларни сайтнинг тепа панелнинг ўнг тарафидаги профил аватарига босганингизда (мобил

---

телефонда тепа панелдаги одамча иконкасига босасиз) таклифларим тугмасини босганингизда хам кўришингиз мумкин.

Сизнинг буюртмангизга билдирилган таклифлар, буюртма сахифасининг пастки қисмида таклифлар рўйхатида хам кўриниб туради.

### **Таклифни қабул қилиш.**

Фрилансерларнинг буюртмангиз сахифасида юборган таклифларидан мақул қелганини, таклиф пастидаги тасдиқлаш тугмаси орқали танлайсиз. Тасдиқлаш ёнида х белгили бекор қилиш тугмаси мавжуд. У орқали таклифни бекор қилишингиз мумкин. Таклифни қабул қилганингиздан сўнг, буюртмангизни бажариш учун ушбу фрилансерни танлаганингиз хақида фрилансерга хабар боради. Фрилансер ишни бошлашга тайёrlигини тасдиқлади. Бу хақида почтангизга ва сайтда хабар оласиз.

### **Буюртма бюджетини киритиш.**

Энди сиз, буюртма бюджетини хавфсиз битимга киритишингиз керак. Бунинг учун сайтнинг юқори сахифасидаги профил аватарига босинг, (мобиль қурилмада хам юқоридаги профил иконкасига босилади) менинг буюртмаларимга босинг.

Буюртма мухокамаси тугмасини босинг, пастки қисмда “Иш бажарувчи буюртмани тасдиқлади ва уни бажаришга тайёр. Илтимос тўлов суммасини хавфсиз битимга киритинг. Шундан сўнг сайтда буюртма бўйича иш бошланади.” ёзуви пайдо бўлади. Тўловни киритиш тугмасини босинг (Тўловлар UzCard/Humo банк пластик карталари орқали амалга оширилади). Давом этиш тугмасини босинг. Кейинги сахифада биринчи қаторга картангиз юзасидаги 16 талик рақамни киритинг. Иккинчи қаторга картангиз 16 талик рақами пастки қисмидаги амал қилиш муддатини киритинг ва яшил тугмани босинг. Карта биринчирилган телефон рақамига тўловни тасдиқлаш учун смс код юборилади. СМС ичидаги қодни сайтнинг тўлов сахифасидаги учинчи қаторга киритинг ва яшил тугмани босинг.

### **Бажарилган ишни қабул қилиб олиш.**

Тўлов амалга оширилганидан сўнг, фрилансер бу хақида хабар олади ва ишга киришади. Фрилансер битимдаги муддат ичida ишни якунлаб, уни буюртма мухокамаси сахифасида сизга юборади. Ишни олганингиздан сўнг, иш сизга ёқса, хамкорлик шартлари асосида якунланган бўлса, хамкорликни якунлаш тугмасига

---

босинг. Шундан сўнг буюртмангиз якунланди деб белгиланади. Буюртманинг тўлов суммаси фрилансерга ўтказиб берилади.

### **Арбитраж хизмати.**

Хавфсиз битимда арбитраж низоларни таҳлил қилувчи, мажбуриятларни бажариш ва бюджетни қайтариш/тўлаш масалаларини ҳал қилувчи мустақил томондир. Бир гап билан айтганда одилона ҳакамлик хизматидир.

Куйидаги холатларда арбитраж хизмати керак бўлади:

- буюртмачи асоссиз равишда ишни қабул қилмаса;
- иш бажарувчи алоқага чиқмаса;
- шарт ва шартномаларда номувофиклик холатларида;
- ўтказиб юборилган муддатлар бўйича ишлашда;
- томонлар ўзлари ҳал қила олмайдиган бошқа ҳар қандай вазиятларда.

### **Арбитражга мурожат қилиш.**

Агарда сизга фрилансер иши ёқмаса, ёки шартларда ёзилганидек бажарилмаган бўлса, буюртма мухокамаси сахифасида хамкорликни якунлаш тугмасини босманг. Ўша сахифада фрилансерга бу хақида хабар ёзинг. Агарда фрилансер ишни тўлиқ Бажаришдан бош тортса, Арбитражга мурожаат қилиш ёзуви устига босинг. Пайдо бўлган ойнада арбитражга шикоят матнини ёзинг. Сўров юбориш тугмасини босинг ва ҳакамлик жараёнини бошлашга тайёрлигингизни тасдиқланг.

### **Ҳакамлик жараёни қандай олиб борилади?**

1 кундан 10 кунгacha бўлган муддат ичida: Арбитраж томонлар билан алоқа ўрнатади ва мулоқот қиласди (фақат битим сахифасида); буюртма, ёзишмалар ва натижаларни таҳлил қиласди; томонларни келишириш вариантларини таклиф етади (керак бўлганда); якуний қарор қабул қиласди. Фрилансерга хам, буюртмачига хам бу хақида хабар берилади. Ечим борасидаги хабар электрон почта манзилига хам юборилади.

### **Арбитражни қандай килиб бекор қилиш мумкин?**

Буюртмачи ва иш бажарувчи ҳакамлик енди талаб этилмайди, деб битим жойида ёзсалар бас. Қўшимча равишда қўллаб-қувватлашга мурожаъат қилишлари талаб этилмайди. Агар ҳар икки томон келишувни тасдиқлаган бўлса, Арбитраж битимни иш жараёнига қайтаради.

---

## **Тўловни ечиб олиш.**

Фрилансер бажармаган буюртмаси учун киритилган тўловлар, хамда арбитраж ечими билан қайтарилиган буюртма бюджети автоматик равишда 1 соатдан 12 соатгача бўлган муддат ичидаги буюртмачининг банк пластик картасига қайтарилади. Тўлов қиймати фақатгина тўлов амалга оширилган картага қайтарилади.

## **Конкурс.**

Буюртмани бажариш учун яхши тажрибага эга фрилансерни топишни хохласангиз, шунингдек буюртмага сифатли ишни танлаб олишни истасангиз, сайтда конкурс ўюштириш фойдалидир. Конкурсда кўплаб фрилансерлар сизга ўз ишларини кўрсатадилар. Сизга мақул келган ишни танлайсиз ва иш эгаси фрилансерни ғолиб деб белгилайсиз.

## **Конкурслар ташкил этиш.**

Конкурс ўюштириш учун сайтнинг юқори қисмидаги конкурслар устига борганда пайдо бўлган конкурс қўшиш тугмасини босинг. Мутахасислик ёнидаги Танлаш ёзувига босинг ва ўз мутахасислигинги танланг, Конкурс тугаш санаси хамда Ғолибларни тақдирлаш санасини киритинг. Конкурс сарлавҳасини киритинг. Конкурс хақида батафсил маълумот ва шартларни таъриф қаторига киритинг. Файл бириктиришга босиб, қурилмангиздан конкурсингизга оид расм ёки файлни танланг. Кўникмалар қаторига фрилансернинг конкурсга оид керакли билим қўникмасини ёзинг. Масалан: php, mysql ваxo казо. Бир нечта кўникма ёзиш учун, вергул билан давом этинг. Совринг қаторига ғолибга бериладиган соврин суммасининг миқдорини киритинг. Қўшимча шартлар қаторида “Факат қўйидаги профиллар учун PRO ва PROFI” хизматини ёқсангиз, конкурсда фақатгина PRO аккаунтига эга фрилансерлар қатнаша оладилар. Конкурс ташкил қилиш тугмасини босинг. Шундан сўнг конкурс маъмурият текширувига юборилади. Конкурс текширувдан сўнг, сайтнинг бош сахифаси, хамда конкурслар сахифасида кўринади.

## **Конкурсда ғолбни аниқлаш.**

Конкурсингиз сахифаси пастки қисмида сизга тақдим этилган таклифлар, ишлар рўйхати бўлади. Юборилган таклифлар, ишлар ёнида фрилансерга жавоб бериш, яшил рангда ғолиб деб белгилаш тугмаси, қизил рангда фойдаланувчини блоклаш

---

тұгмаси ва таклифни үчириб юбориш тұгмаси мавжуд. Яшил кнопкани боссанғыз таклиф әгасини ғолиб деб белгилаган бўласиз. Конкурс мукофоти ғолиб хисобига ўтказиб берилади ва конкурс ёпилади.

### **Буюртма ва конкурсларни реклама қилиш.**

Сайтда буюртма ва конкурсларнингизни кўплаб фрилансерлар қўриши учун уни реклама қилишингиз мумкин. Хизмат пуллик тарзда тақдим этилади. Хизмат учун тўловларни сайтдаги балансингиз ёки UzCard/Humo банк пластик карталари орқали амалга оширишингиз мумкун. Юқорида айтганимиздек, менинг буюртмаларим сахифасида мавжуд буюртма ва ташкил этилган конкурсларнингиз рўйхати акс эттирилади. Конкурс ёки буюртмангизни реклама қилиш учун, унинг олдидағи \$ белгисини босасиз. Керакли реклама турининг катакчасини белгилайсиз, рекламангиз давомийлик муддатини киритасиз, сахифанинг пастки қисмидаги балансдан тўлаш ёки UzCard/Humo ни танлайсиз. Тўловни амалга оширасиз, тўлов жараёни якунлангач буюртмангиз танланган реклама тури бўйича реклама қилинишни бошлайди.

### **Реклама турлари.**

- Буюртмани лентага бриктириш:

Белгиланганидан сўнг, сизнинг лойиҳангиз бош сахифадаги буюртмалар рўйхатида, хамда буюртмалар сахифасидаги рўйхатнинг энг юқори қисмida қолади ва кўпроқ фреелансерларга кўрсатилади, янги лойиҳалар келганда еса пастга тушади.

- Лентадаги буюртмани ранг билан белгилаш:

Ранги фонга ега бўлган буюртма лентадаги бошқа буюртмалардан фарқ қиласида ва фрилансерларнинг эътиборини кўпроқ ва кучлироқ жалб қиласида. Ушбу рекламали буюртмаларга, оддий буюртмаларга қараганда кўпроқ таклифлар бўлади.

- "Шошилинч" деб белгилаш:

Буюртма шошилинч деб белгиланади ва лентада қизил ранги билан ажратиб кўрсатилади. Фреелансерлар биринчи навбатда шошилинч лойиҳаларга рақобатчилардан олдинроқ эга бўлиш учун тезкор таклиф билдирадилар.

Сайтдаги хар қандай рекламани буртмаси учун сизга рейтинг баллари қўшилади.

## **Сайтдаги балансни тұлдириш.**

Сайтдаги балансингизни тұлдириш учун сайтнинг юқори сахифасидаги профил аватарига босинг, созламалар ёзувиға босинг. Чап тарафдаги профилингиз номи пастки қисміда балансингиздегі қолдик күрсатилади. Ўша қаторда тұлдириш тұгмаси бор, ушбу тұгмани босасиз. Сумма миқдорини киритасиз, ва Тұлов усулини танланг ёзуви остидаги UzCard/Humo расміга босасиз. Картада рақамини киритасиз, пастки қаторға картанинг амал қилиш муддатини киритасиз. Картанғыз уланған телефон рақамиға тасдиқлаш коди юборилади. Код подтверждения қаторига үша кодни киритиб яшил тұгмани босасиз. Хисобингиз шу холатда тұлдириледи. Сайт балансидаги маблағтар фақатгина сайтдаги құшымча хизматлардан фойдаланиш учунгина амал қилади.

## **Шахсий маълумотларни тұлдириш сахифаси.**

Сайтдаги профилингиз шахсий маълумотларим сахифасида үзингиз хақингиздегі барча маълумотларни тұлдиришингиз мүмкін. Шахсий маълумотларим сахифасига кириш учун тепа панелдегі профил аватарига босинг ва созламаларга босинг (мобиль қурилмаларда юқоридегі профил аватарига босгандан сүнг, созламаларга кириш шарт әмбет). Ушбу сахифада күйидеги маълумотларингизни киритишиңгиз мүмкін:

- Түғилган сананғиз;
- Жинсингиз;
- Шахрингиз;
- Үзингиз хақингиздегі тарифларингиз;
- Контактларингиз.

## **Контакт маълумотларингиз.**

Сиз үз профилингиз сахифасида контакт маълумотларингизни киритиб сақладаб қўйишиңгиз мүмкін. Контакт маълумотлари сифатида телефон рақамингиз, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларингиз, электрон почта манзилларингизни киритишиңгиз мүмкін.

## **Рейтинг.**

Рейтинг бу, DOWORK.UZ сайтидаги сизнинг даражангиздек гап. Бу фрилансерни сизгага бўлган ишончини оширишда қўл келадиган воситадир. Шунингдек сайтнинг буюртмалар сахифасида рейтинги баланд бўлган буюртмалар юқорироқ қисмда күрсатилади. Рейтинг баллари буюртмачи аккаунтини кўриш учун кирган

---

фрилансерлар учун хам яққол күриниб туради. Рейтинг балларини күтаришда, профилингиздги шахсий маълумотларингизни тўлдиришингиз, буюртмаларингизга реклама хизматини улашингиз, сайтдаги бошқа пуллик хизматлардан фойдаланишингиз керак. Бундан ташқари фрилансерларнинг буюртмангизга нисбатан белгилаган баҳоси, фрилансернинг буюртмангизга нисбатан қолдирган ижобий изохлари ёрдам беради.

### **Умумий созламалар.**

Ушбу сахифада профилнинг айрим маълумотларини жойрий холатдан янгисига ўзгартириш мумкин. Жумладан:

- Ислом;
- Фамилия;
- Никнейм;
- Электрон почта манзили;
- Телефон ракамини ўзгартириш, тасдиклаш;
- Пароль ни ўзгартириш;

Сахифага кириш учун сайтнинг юқори панелидан профил аватарига босинг, созламалар ёзувига босинг (мобиъл қурилмада профил аватарига босиб, сайт пастки қисмига тушиш кифоя).

### **Блог ёзиш.**

Сайтда блог ёзиш имконияти мавжу бўлиб, унда сиз ўз буюртмангиз хақида ёки бирор бир бошқа нарса, воқелик хақида мақола ёзишингиз мумкин. Бу сизнинг буюртмангизга бўлган фрилансерларнинг таклифларини кўпайишига сезиларли даражада ёрдам беради. Блог мақолалари сайтнинг бош сахифаси пастки қисмида, хамда блог сахифасида қўрсатилади. Мақола ёзиш учун сайт юқори панелидаги профил аватарига босинг ва менинг блогим ёзуви устига босинг. Ёзишни бошлаш тугмасига босинг. Муқова расмига босиб блог муқовасига расм жойланг, пастки қисмда блог учун бўлим танланг, сайrlавха ёзинг, пастки қисмда блог матнини киритинг ва юқорироқдаги +жойлаштириш тугмасини босинг. Блог мақолалари сайт маъмурияти текширувидан сўнг сайтда намоён бўлади.

### **Фрилансерни севимлиларга қўшиб қўйиш.**

Сайтда сизга иши манзур бўлган фрилансер хизматидан қайта фойдаланиш учун унинг профилини севимлиларга белгилашингиз мумкин. Шунда сиз ушбу фрилансерни излаб оввора бўлмайсиз. Севимлиларга қўшиш учун қўйидагича

---

амалларни бажаринг. Фрилансерлар сахифасида бирор фрилансер профилини танлаганингизда юлдузча расми чиқади. Уни боссангиз, ўша фрилансер профили шахсий кабинетингиздаги Севимлилар бўлимига қўшилади. Фрилансер билан алоқа ўрнатишда айнан ўша сахифага киришингиз кифоя қиласди.

### **Фрилансер портфолиоси.**

Ушбу сайтда фрилансер ўзининг хизматларини портфоли қилиб яратади. Ушбу хизматлардан буюрта қилишингиз мумкун. Фрилансерлар сахифасидаги рўйхатдан бирор фрилансер профилига босинг. Пастки қисмда портфолио бўлимида фрилансер портфолиолари бўлади. Хизматлар қаторида фрилансер хизматлари рўйхати бўлади. Ўша сахифадан фрилансерга маҳсус иш таклиф қилишингиз хам мумкин.

### **Фрилансер хизматини буюртма қилиш.**

Фрилансерлар сахифасининг юқори қисмида фрилансерларнинг жойлаган хизматлари слайдерда қўринади. Хизматни буюртма қилиш учун, керакли хизматни танлаб, хизматни буюртма қилиш тугмасини тугмасини босинг, буюртма бериш тугмасини босинг. Шу билан буюртмангиз хақида фрилансерга хабар боради ва фрилансер хизмат юзасидан сиз билан боғланади.

### **Якунловчи қисм.**

Айни дамда буюртмачилар учун қўлланмамиз шулардан иборат. Хизмат борасидаги хар қандай савол ва таклифлар билан сайт маъмуриятига мурожат қилишингиз мумкин. Маъмуриятга хабар ёзиш учун сайтнинг пастки сахифасидаги биз билан боғланиш ёзуви устига босинг. Кейинги сахифада ўз маълумотларингизни ва хабарингиз матнини киритинг, текшириш коди сахифасига расмдаги кодни киритинг. Хабарни юбориш тугмасига босинг.

Шунингдек қуйидаги контакtlар орқали хам биз билан боғланишингиз мумкун:

Tel: +998943849930

Telegram/WhatsApp/IMO: +998943849930

Email: [info@dowork.uz](mailto:info@dowork.uz)

Сайтимиз янгиликларини эса телеграмдаги @dowork\_fl каналида кузатиб боришингиз мумкин. Ушбу қўлланма DOWORK.UZ сайтининг фрилансерлари учун

---

мүлжалланган. Сайтда бирор ўзгартиришлар, қўшимчалар қўшилган тақдирда, ушбу қўлланмага маъмурият томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ишларингизда омад ва муваффақиятлар тилаб чексиз хурмат билан Dowork.uz сайти маъмурияти.